

БАДИЙ МАТННИНГ ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Гулчехра КЕЛДИЁРОВА

Доцент

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

g.keldiyorova@gmail.com

Аннотация

Мақолада лингвопоэтик тадқиқотлар тарихи ва филологик фан сифатида лингвопоэтиканинг асосий назарий қоидалари ёритилган бўлиб, адабий матнларнинг эстетик таъсири уларда қўлланиладиган стилистик жихатдан белгиланган лингвистик бирликларнинг роли ва функциясига боғлиқ ҳолда ўрганилган.

Таянч сўзлар: лингвопоэтика, оғзаки ва бадиий ижод, бадиий асар таҳлили, лингвопоэтик таққослаш.

ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ТЕКСТА

Гулчехра КЕЛДИЁРОВА

Доцент

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

g.keldiyorova@gmail.com

Аннотация

В статье история лингвопоэтических исследований и основные теоретические положения лингвопоэтики как филологической науки направлены на изучение эстетического воздействия художественных текстов в связи с ролью и функцией используемых в них стилистически определенных языковых единиц.

Ключевые слова: лингвопоэтика, устное и художественное творчество, анализ художественного произведения, лингвопоэтическое сравнение.

Лингвопоэтика моҳиятан фанлараро тадқиқот соҳаси бўлиб, у оғзаки ва бадиий ижод асарларини таҳлил қилади ва ўзига хос концепциядан фойдаланади.

Филологияда адабий асарнинг лингвистик ва мазмун жихатларини кўриб чиқишда матннинг стилистик хусусиятларига эътибор қаратиш билан асарни эстетик жихатдан ўрганиш анъаналари мавжуд.

XX асрнинг 70-йилларида филология фанининг мустақил йўналиши сифатида вужудга келган лингвистик поэтика ўзининг ҳозирги кунгача бўлган тараққиётида бир қанча ўзгаришларни бошдан кечирди, бу эса бадиий

матннинг лингвистик хусусиятларини ўрганишнинг кўплаб усуллари назарда тулади. Унинг шаклланиши илмий парадигманинг ўзгариши йўналишида содир бўлди, бу эса унинг мақсад ва вазифаларини аниқлаштиришни тақозо этди.

Лингвопоэтика дастлаб стилистиканинг бадиий услуб негизида шаклланган бўлиб, аввало, бадиий ифода воситаларини тавсифлайди.

Кейинчалик, шу асосда лингвистик стилистика шаклланди, унинг доираси фонетикадан синтаксисгача бўлган турли лисоний сатҳ бирликларини қамраб олди.

Лингвистик стилистика уларни адабий матннинг лингвистик экспрессивлик даражасини аниқлашга мос келадиган воситалар тўплами сифатида ўрганади. Масалан, бадиий матнни ифодалашнинг фонетик ва дериватив воситалари, луғат ва фразеологиянинг тарихи (эскирган ва янги тил бирликлари, жумладан, муаллифнинг окказионализмлари) каби ҳодисалар, гап қисмларининг транспозицияси, турли типдаги синтактик бирликларнинг эстетик имкониятлари. Демак, лингвистик стилистика фақат троплар ва ифода яратишнинг анъанавий воситалари: синонимлар, антонимлар, омонимлар билан чекланмайди. У бадиий контекстда ифодани еткази оладиган турли лингвистик воситаларнинг эстетик имкониятларини ўрганади.

Лингвопоэтика, аввало, матнларнинг лингвистик хусусиятларига эътибор беради, лекин фақат улар билан чегараланмайди.

Лингвопоэтика ва стилистика ўртасидаги фарқ шундаки, стилистик тадқиқотлар нафақат бадиий асарларда, балки ҳар қандай матнда қўлланилиши мумкин бўлган стилистик воситалар ва уларни кейинчалик аниқлашга қаратилган. Стилистик тадқиқотлар тил бирликларининг ўзига хос маънолари бор ёки йўқлиги билан ёки нейтрал бирлик коннотатив маънонинг нутқда қўлланишини ўрганиш билан чекланади. Лингвопоэтика, албатта, стилистик таҳлил маълумотларини ҳисобга олади, аммо лингвопоэтик тадқиқотлар доирасида ушбу маълумотларнинг кейинги талқини матннинг

мазмунни хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади, бу эса, қоида тариқасида, стилистик таҳлилни бера олмайди.

Рус тилшунослигида В.В.Виноградов лингвистик стилистикани алоҳида фан сифатида ажратиб, тадқиқотларида тил услуби, нутқ услуби ва услубни фарқлайди.

Лингвопоэтиканинг моҳияти ва вазифаларига қарашнинг ўзгариши тилшуносликдаги ҳукмрон таркибий-тизимли парадигманинг антропоцентрик ёндашув билан алмаштирилиши туфайли мумкин бўлди. Лингвопоэтиканинг мақсад ва вазифалари конкретлаштирилди, бу эса унинг лингвистик стилистикадан фарқларини шакллантириш имконини берди. Яъни, лингвопоэтика тил даражасининг образли воситаларини матн ясовчи жиҳатида, уларнинг маъно ва образ ҳосил қилишга таъсирини ҳисобга олган ҳолда тадқиқ қилади, иккинчиси эса, йўлларни, фигура ва услубларни уларнинг мазмунини ҳисобга олган ҳолда тавсифлайди.

Ҳозирги вақтда функционал стилистика тил фаолиятининг барча жабҳаларини қамраб олувчи лингвистик стилистиканинг мустақил соҳаси сифатида шаклланди. Рус ва чет тилларини ўрганаётганлар учун нутқ мазмуни, мулоқот муҳити ва баён мақсадига қараб лингвистик воситалардан фойдаланиш усуллари ва шаклларини ўрганадиган ҳамда тавсия этадиган амалий стилистикани эгаллаш алоҳида аҳамиятга эга.

Лингвопоэтик таҳлилнинг маҳсулдорлиги ва аҳамияти нафақат матнда ишлатилган стилистик бирликлар сонига, балки улардан фойдаланиш сифатига ҳам бевосита боғлиқдир. Агар лингвистик бирликлардан фойдаланиш усуллари етарлича аниқ бўлса, лингвопоэтик таҳлил ушбу усулларнинг мавжудлигини билдиради. Бадиий матнни лингвопоэтик тадқиқ қилиш, агар матннинг ўзи ҳам мазмунан, ҳам лингвистик жиҳатдан анча мураккаб бўлса, чинакам қизиқиш уйғотади.

Дастлаб, лингвопоэтик таҳлилнинг асоси олимларнинг маълум бир шеърини матннинг бевосита таассуротини тушунтиришга интилиши

бўлганлиги сабабли лингвопоэтик тадқиқот усуллари индивидуал шеърӣ ва ёрқин стилистик белгилар асосида ишлаб чиқила бошланди.

Рус тилшуноси А.А.Липгарт лингвопоэтикага қуйидагича таъриф беради: "лингвопоэтика – бу филологиянинг бир бўлими бўлиб, унда бадиий матнда қўлланиладиган стилистик жиҳатдан белгиланган тил бирликларининг вазифалари ва маълум бир ғоявий-бадиий мазмунни етказиш, қиёсий аҳамияти масаласи билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқилади» [1;18-19].

Бадиий матнда ёзувчининг ғояси, фикр ва мақсадини амалга оширишда, унинг ҳаётӣлиги, образли-экспрессивлиги бирлигидан келиб чиқадиган бадииятини таъминлашда тил (тил бирликлари тизими) асосий роль ўйнайди. Айниқса, бунда лексик воситаларнинг аҳамияти бирмунча долзарбдир. Зеро, «Бадиий матннинг лисоний хусусиятларидан энг муҳими ҳам шундаки, унда эмоционал бўёқдор сўзларга, жаргон ва арголарга, кўчма маъноли сўзларга, маънодош, шаклдош, ўхшаш талаффузли ва зид маъноли сўзларга, шунингдек, ибора, мақол-матал ва афоризм каби бирликларга кенг ўрин берилади» [2;35].

Табиийки, бадиий адабиёт асарлари эстетик санъат бўлгани учун у инсон-ўқувчи ёки томошабин онгига таъсир ўтказиш, завқ уйғотиш, туйғуларига таъсир этиш, тарбия бериш вазифасини ўтайди. Персонаж нутқини индивидуаллаштириш ҳамда унинг ифода таъсирчанлигини оширишда халқ мақоллари, афоризмлар, ибораларнинг аҳамияти катта. Чунки уларнинг семантик табиати, эстетик хусусияти, пурмаънолилиги, ҳикматга тўлаллиги, халқ иродаси ва тафаккурини акс эттириши персонаж нутқига кўркамлик ва ифодалилиқ, образлилиқ бахш этади.

Зидлик фалсафа, мантиқ ва бошқа ижтимоий фанлар соҳаларида хусусий тарзда ўз тушунчалари ва улар орасидаги зидланиш кўринишларига эга. Умумий тилшуносликда бундай зидлик кўринишлари антонимларнинг қўлланишида ўзига хос ифодасини топади.

Бугунги кун тилшунослигида назарий прагматика, прагмалингвистика, матн прагматикаси, таржима прагматикаси, поэтик нутқ прагматикаси ва уни ифода этувчи тил бирликларининг структуравий хусусиятларини тадқиқ этиш

юзасидан бир қатор тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Прагматикада мақсадга мувофиқлик, натижага йўналтирилганлик, ҳаракатнинг афзаллиги етакчилик қилса, шеъриятда юксак ижодкорлик, ҳиссиёт, кенг дунёқараш, бадиий ифода устунлик қилади. Прагматиканинг асосий йўналиши бўлган турли ҳаракатлар, яъни саволлар, хабарлар, ваъдалар, миннатдорчилик, маслаҳат, сўровлар ва бошқа мулоқот жараёнлари поэтик нутқда муаллифнинг бадиий ифодаси остида намоён бўлади. Шеърий матннинг прагматик потенциали тилнинг прагматик таъсир кучи сифатида муаллифнинг лисоний воситалардан ўринли ва муайян мақсадга йўналтирилган ҳолда қўллашнинг тақозо этади. Бу шеърий матннинг прагматик мазмунини ташкил қилади. Й.С.Степанов таъкидлаганидек, «Прагматика анъанавий стилистика ва кадимий риторика фанларининг тадқиқот объекти бўлиб келган лисоний муаммолар: мавжуд лисоний белгилар мажмуасидан ўз фикрини янада таъсирлироқ, образлироқ, коммуникатив вазиятга мос келадиган, аниқроқ, чиройлироқ лисоний воситалардан танлаб ифодалашни ўрганувчи коммуникатив муносабатларни ижтимоий контекстда тадқиқ қилувчи фандир». Шеърий матнда, биринчи ўринда, муаллифнинг сўз қўллаш маҳорати туради. Бу эса поэтик нутқ прагматикаси билан тилшунослик лексикология соҳасининг ўзаро муносабатини ифода этади.

Бадиий асарнинг бош унсури сўз, умуман, тил экан, ана шу асарнинг чинакам санъат даражасига кўтарила олишида унинг тили, муаллифнинг тил воситаларини қай даражада қўллай олиши асосий омилдир.

Стилистик белгиланган бирликларнинг матннинг умумий мавзуси билан семантик боғлиқлигига қараб, бу бирликлар оддий кучайтиргич вазифасини бажариши мумкин. Масалан: антитезани олиб кўрайлик.

«Бадиий адабиёт тилидаги антитеза усули (мумтоз адабиётда бу усул тазод деб юритилган) бир-бирига нисбатан қарама-қарши маъноларни берадиган сўзларни, ибораларни баёнда ёнма-ён қўллаш орқали образлиликни келтириб чиқаришга асослангандир» [4;219]. Шеъриятда антитеза бадиий

нутқнинг ифодалилиги, таъсирчанлигини таъминлашда қўл келувчи ифода имкониятидир.

Дунё қарама-қаршиликлар курашидан, инсон умри ҳам курашлардан иборат эканлиги Аъзам Ўктамнинг «Нега» шеърида ифодасини топган.

*Кун узун, кун иссиқ – малоллар келур,
Тунлари қоп-қора саволлар келур,
Тонг чоғи мусаффо хаёллар келур,
Ақлим менинг тиниқ тортмади ҳануз.
Етди оқ-қорани ажратиш они,
Бу умр, бу ўлим кимнинг эҳсони?
Ҳар лаҳза шу қарзни узиш имкони,
Билдим, чин сарватни йиғмадим ҳануз.*

Сутканинг ёруғ ва қоронғи қисмини ифодаловчи *тун* ва *тонг чоғи* қаршилантрилиши билан бирга, ўзига хос қўлланиши билан ўқувчи ёдида қолади. Келтирилган мисолда *тун-тонг чоғи* бирликлари орқали антитеза ҳосил қилинган: тун «сутканинг кун ботишидан кун чиққунгача, оқшомдан тонг отгунгача бўлган қисми», тонг «кун чиқиш пайти, субҳидам, саҳар, азон» пайти эканлигини назарда тутсак, бу ерда шоир ушбу икки сўз иштирокида антитезани, шунингдек, қаршилантриш орқали кетма-кетликка кўпроқ эътибор берган, яъни «бедор ўтган тундан сўнг отаётган тонг» антитеза ҳосил қилади. *Оқ-қора* сўзлари орқали зидлик муносабати ифодаланса ҳам, асосий эътибор умумлашма, яъни яхши-ёмон маъносини англатишга қаратилган. Антонимик жуфтликни ёнма-ён қўллаш орқали «умумийлик» семасига эга бўлган сўз билан шоир фикри ифода қилинади. «Тобора» шеъридаги

*Ҳар кун бир ҳис учар вужуддан, дилдан,
ҳар тун бир туйғунинг ўчар қораси.
Тобора юракнинг тириклик бирлан
очиқ бўлаётир ораси,*

мисралари кун ва туннинг рамзий маъно (яъни «ёруғлик» ва «қоронғулик» маъноси)да қўлланиши ҳам мумкинлигини эътиборга олсак, у ҳолда тўлиқ

каршилантериш ҳосил бўлади. «Тувакдаги гул» шеъридаги кундуз ва тун карама-қарши тушунчаларни ифодаловчи сўзларни биргаликда қўллаш натижасида кучли бадий тасвир юзага келтирилган.

*Кундуз эсламадим ва лекин тунлар
оғир шивирлашинг маҳв этди буткул:
“Наҳот менга Ватан бир парча тунроқ,
нечун шохларимга қўнмайди булбул?”*

«Назорат» шеъридаги:

*Қай ишим чиндандир, қай сўзим ёлгон,
Мен қайда, менинг чин йўлим қайдадир?
Этиқод йўлида тўққим келур қон,
Жанггоҳ қай ердадир, ўлим қайдадир?*

мисраларида ҳаётнинг бутун силсиласи, драматик, поэтик кўриниши, оқ-қора ва турфа ранглардаги ифодасини идрок қилганлиги муҳим ўрин тутди. Ёки:

*Ҳақ йўлида энди тинмаюр,
Ёлгонларга учмас, қўнмаюр,
Эгилади, балки синмаюр,
Ўзбекларни қару қўр деманг.*

Ўзбек тилининг изохли луғатида «ёлгон» сўзи — «ҳақиқатга зид, уйдирма, чин эмас, сохта, қалбаки» каби тушунчалар орқали изохланган.

Аъзам Ўктам шеърларида ер-осмон контекстуал антонимларини жуда кўп қўллаган.

“Ишонч” шеъридаги осмон-ер зидлиги қуйидагича ифода этилган:

*Осмон беҳад яқин, ер эса юмшоқ,
Ёшлиқ қайтиб кетмас, у мангу қолар.
Бўзчиман — боғлайман ҳар кун бир белбоғ,
Сафарим қаримас, яшариб турар.*

«Қаноат» шеъридаги макон ва вақт билдирувчи сўзлар ўртасидаги антитезани шоир ўзбек тилининг синонимик имкониятлари кенглигидан

фойдаланган ҳолда ер-осмон контекстуал антонимик жуфтлигининг *ер-кўк* синонимларини келтириб, уларни ҳам зидлаб қўллаган.

Асл айбим —

Текис йўлда қоқинмоқдир.

Асл бахтим —

Ўзинг кўрмай соғинмоқдир.

еру кўкдан мудом излаб

Хато қилдим.

Сени топмоқ йўли —

Доим топинмоқдир .

Шунингдек, изламоқ-топмоқ лексемалари зидлиги шеърга ўзгача рух бағишлаган.

«Англадим» номли шеърда шоир дўст-душман антонимик жуфтлигидан ажойиб поэтик образ яратган:

Гарчи дунё кенг ва ёруғ,

Иқрор ўлмоғим керак —

Ўзимдан ўзга душман йўқ,

Дўст йўқ ўзимдан бўлак.

«Тилим» шеърида ҳосил қилинган антитеза учун *бол* ҳамда *аччиқ* сўзларининг кўчма маънолари асос қилиб олинган.

Тилимдан бол томмас, аччиқ ҳам эмас,

ярайди қалбадагин изҳор этишга.

Узунмас унчалик, қисик ҳам эмас,

етади бўйнимдан тортиб кетишга.

Қисик сўзи орқали сўз ўйини ҳосил қилинганлигини ҳам таъкидламоқ жоиздир. Бу сўз ҳам ўзига хос қаршилантилган.

Бадий нутқ, айниқса, шеъриятнинг ифодалилиги, таъсирчанлигини оширишда антитеза жуда кенг кўламли ифода имконияти ҳисобланади. Чунки антитеза орқали қаҳрамон руҳиятидаги контрастлик, муаллиф ҳис-туйғулари бўрттириб тасвирланади. Антитезани вужудга келтирувчи асос антоним

сўзлардан, коррелятив сўзлардан, инкор сўз шаклидан, оксюморон кўринишидаги ва бошқа тил бирликларидан, бир синонимик қатордаги сўзларни контекстуал ҳолда иккинчи бир синонимик қатордаги сўзларга маъно жиҳатдан зидлашдан иборат.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Липгард Ф.Ф. Основы лингвопоэтики. Либроком. – Москва, 2016
2. Йўлдошев М. Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент: Фан, 2007.
3. Каримов С. Ўзбек тилининг бадий услуби: Филол. фанлари д-ри....дис. – Самарқанд: СамДУ, 1993.
4. Ўктам, Ўктам. Қирқинчи баҳор. – Тошкент, 2000